O'ZBEKISTON RESPUBLIKA...

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 11 OKTABR ◆ PAYSHANBA ◆ № 120 (26.822)

Маълумки, шу кунларда Америка Қўшма Штатлари томонидан Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчокларини йўқ килиш мақсадида бошланган амалий харакатлар бутун жаҳон аҳлининг диққат марказида турибди. Бу курашда дунёдаги кўплаб давлатлар, тараққийпарвар кучлар АҚШ билан бирдамлигини баён этиб, уни қўллаб-қувватламокда.

Бу масала бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг позицияси Президент Ислом Каримовнинг шу йил 5 октябрь куни эълон қилинган Баёнотида батафсил ифода этилган эди.

Ушбу Баёнотда билдирилган фикр ва даъватлар жамоатчилигимизнинг турли тоифа ва қатламларида, бутун халқимизда катта қизиқиш уйғотди. Бу ҳужжат юртдошларимиз орасида қизғин мухокама қилинмокда, кўпчилик унга муносабат билдирмокда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири давлатимиз раҳбари билан суҳбатлашиб, мана шу мухокамалар доирасида баъзи масалалар бўйича фикр билдиришини сўради.

Қуйида ана шу суҳбатнинг қисқача баёни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинмокда.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Биз юртимизда тинчлик-осойишталик бўлсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деган гапларни дуои фотиҳа каби кўп такрорлаймиз, деди жумладан Президент.

Тўғри, тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъмати, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин, «тинчлик бўлсин», деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмуни нечоғли теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмуни англанмаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди. Айниқса, халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган ҳозирги пайтда фақатгина шундай тилаклар билан чекланиш кифоя эмас. Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак. Ахир, тинчлик-осойишталикни қуруқ ваъзхонлик билан сақлаб бўладими?

Бир ўйлаб кўрайлик, турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталикни сақлашга ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўладими?

Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага аввалambор мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Шунинг учун ҳам бугун ҳар биримиз, «Тинчлик-осойишталикни, шу мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қиляпман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?» деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

Масалан, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиорни олайлик, деди Президент, бугунги кунда мана шу долзарб вазифага барчамиз етарли аҳамият беряпмизми?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда бу борада ҳали-ҳануз бепарволик, лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: **ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим.**

Энг аввало, террорчилик хавфининг жирканч башарасига тик қараб, уни фош этишимиз, бу бало-қазони ўз номи билан аташимиз даркор.

Айрим маҳаллаларда турли уйдирма гаплар, варақалар тарқатаётган, ўғрилик, бузғунчилик қилаётган ғаразли кимсаларнинг, дин номидан қабиҳ ният билан даъват юргизаётган баъзи бир бемаза одамларнинг кирдикорларига бепарво чидаб юришнинг ўзи бундай қора ниятли кимсаларга кўмак беришдир, деб билишимиз керак.

Афсуски, баъзи одамлар мана шундай бемаъни ишларни кўриб кўрмасликка олади, бунинг менга бевосита дахли йўқ, деб ўйлайди. Ваҳоланки, бу каби беғамлик қандай аянчли оқибатларга, оғир фожиаларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу аччиқ ҳақиқатнинг исботини ўз ҳаётимизда ҳам, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз.

Шу ўринда бир савол туғилади: биз тинчлик ўз-ўзидан бўлаверади, деган содда, очиғини айтганда, сохта ва зарарли тасаввурдан қачон қутуламиз?

Яна бир тоифа кишилар борки, уларнинг фикрича, гўёки биз Ватанимизни, халқимизни ҳимоя қилиш йўлида қатъият кўрсатсак, разил террорчиларга қарши дунё ҳамжамияти билан биргаликда очиқ курашадиган бўлсак, улар бизга қарши жиҳод эълон қилар эмиш.

Қўрқитиш, дўқ-пўписа қилиш, ҳар хил фитналар уюштириш — террорчиларнинг қуроли эканини яхши биламиз. Лекин одамнинг қаҳру ғазабини қўзғайдиган жойи шундаки, дор остидан қочган, қўли қон бу жиноятчи кимсаларнинг муқаддас динимиз номидан гапиришга нима ҳаққи бор?

Диншунос олимлар, уламоларимиз нега бу масала бўйича ўз фикрини билдирмайди, бу даъватларга ҳам илмий, ҳам диний нуқтаи назардан зарба бермайди?

Жангари тўдаларнинг бундай дағдағасини, халқимиз таъбири билан айтганда, қўрққан олдин мушт кўтарар, деб аташ кераклигини одамларга тушунтириш зарур эмасми?

Ахир, бир ўйлаб кўрайлик, биз киммиз, кимларнинг авлодимиз? — деди Президент. — Эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек асрий орзусига эришиб, зулм-зўравонликдан, қарамликдан эндигина халос бўлган халқимиз мана шу манфур кучлар олдида тиз чўкадими? Уларнинг ўз бузғунчи ғоялари билан фарзандларимизни ёмон йўлларга бошлашига, ўз ота-онаси, халқи, Ватанига душман қилиб қўйишига томошабин бўлиб қараб турамизми? Йўқ, асло!

Биз буюк ва қаҳрамон аждодларимизнинг ворислари сифатида халқимизнинг, миллатимизнинг шаънини пок асраб яшамасак, бу уларнинг ўлмас руҳи олдида хиёнат бўлмайдими? Акс ҳолда, бизга ишониб, умид кўзини тикиб турган болаларимиз, невараларимиз олдида ким деган одам бўламиз? Истиқлол йўлида, озодлик йўлида чеккан шунча заҳмат ва машаққатларимиз зое кетмайдими?

Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур яшашга ўрганган халқмиз, деб таъкидлади Ислом Каримов. Биз — Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она-юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.

Энг муҳими, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.

Бизни қўрқитмоқчи бўлаётган ғаламислар шуни билиб қўйсинки, биз ҳеч кимга бош эгмаганмиз ва ҳеч қачон бош эгмаймиз.

Биз бу гапларни кимларнидир қўрқитиш учун айтаётганимиз йўқ. Бирон бир давлатнинг ички ишига, эркинлигига дахл қилиш ниятимиз ҳам йўқ.

Бундай ёндашув Афғонистонга ҳам тегишли. Куни кеча эълон қилинган Баёнотда айтилганидек, биз ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётганимиз йўқ. Фақат гуманитар ёрдам кўрсатиш ишларини олиб бориш учун кўмак берамиз.

Бизнинг мақсадимиз — дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбиялаяпмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон ҳудудига уя қуриб олган экстремистик марказлар террорчиликка қарши қаратилган ҳаракатларни гўёки бутун ислом дунёсига қарши қилинаётган ҳужум, деб кўрсатишга уринаётганига эътиборни қаратди.

Одам қиёфасини йўқотган бу каллакесарларнинг на дини, на миллати бор, бинобарин, уларнинг ислом оламига, мусулмон дунёсига ҳеч қандай алоқаси йўқ, дея давом этди Юртбошимиз. Ҳаммамиз яхши биламизки, Қуръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Ўзини мусулмон деб даъво қиладиган, лекин қилмиши қўпорувчилик, қотиллик, бутун-бутун халқларнинг ҳаётини барбод этишдан иборат бўлган бу манфур тўдаларга ислом дунёси номидан гапиришга ким ҳуқуқ берди?

Ишончим комилки, иймони бутун, иродаси бақувват, буюк аждодларимиз руҳидан куч ва мадад олиб яшайдиган халқимиз террорчи гуруҳларга қарши дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намоён этиб, терроризм деган жирканч иллатни дунё халқлари ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деди Ислом Каримов пировардида.

Дарҳақиқат, тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар қайси фуқаро, аввало, ўз вазифасини виждонан адо этиши, шу билан бирга, ғаразли мақсадда қилинаётган информацион хуружларга, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур.

■ (ЎзА)

ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ!

2001 йилнинг 10 октябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида шу мавзуда «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП МК аъзолари, ХДПдан Олий Мажлисга ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган қатор депутатлар, партия фаоллари, партия матбуоти ходимлари, олимлар, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси, Рус православ черковининг Ўрта Осиё епархиал бошқармаси вакиллари, «Сиёсат» ҳамда «Истиқбол» ёшлар клублари аъзолари иштирок этдилар.

«Давра суҳбати»ни олиб борган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг шу йилнинг 5 октябридаги Баёноти ҳамда Юртбошимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган «Тинчлик учун курашмоқ керак» мавзуидаги суҳбати мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди, халқаро терроризмга қарши кураш бугунги кунда ер юзидаги барча тараққийпарвар давлатлар ва инсонлар учун энг долзарб вазифа бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлади.

«Давра суҳбати» иштирокчилари — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси раиси Изидор Кочмарик, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси бўлим мудири Абдулла Исмоилов, Рус православ черковининг Ўрта Осиё епархиал бошқармаси ходими Пахомий Лай, Тошкент давлат аграр университети профессори Элбек Каримов, ХДП Зангиота туман кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмедовалар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг халқаро терроризмга биргаликда қарши курашишни ташкил этишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлари» ҳақидаги қарорини бажариш йўллари ҳамда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида олға сурилган ғоялар мазмун-моҳиятини юртдошларимизга тушунтириш, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда матбуотининг самарали иштирокини таъминлаш тўғрисида гапирдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин телефон орқали мулоқотда бўлиб, батафсил суҳбатлашди.

Икки мамлакат раҳбарлари, асосан, Афғонистон ҳудудидаги аксилтеррор операциясини, шунингдек, терроризмга қарши курашга ўзаро келишилган ҳолда ёндашиш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Аксилтеррор операцияси, жумладан, АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий кучларининг бомбали зарбалари туфайли бугунги кунда бевосита Афғонистонда юзага келган вазият юзасидан фикр алмашилди. Биринчи навбатда, Афғонистон билан туташ ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш ва мазкур операция келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, икки мамлакат Президентлари Афғонистон халқига, аввало, мамлакатнинг шимолий вилоятларида яшовчи аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, ҳарбий ҳаракатлар зонасига тушиб қолган афғонларнинг мушкулини енгиллатиш масаласини кўриб чиқди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари Афғонистон атрофида кечаётган воқеаларга доир турли, жумладан, оммавий ахборот воситаларидаги асоссиз шарҳлар ва талқинларнинг олдини олиш ҳамда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида икки мамлакатнинг тегишли тузилмалари, биринчи галда, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги маслаҳатлашувларни фаоллаштириш борасида умумий бир фикрга келди.

Россия Президенти мунтазам фикр алмашиш, шунингдек, Афғонистон атрофида юзага келган вазиятга ҳамда Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга оид масалалар борасида бевосита мулоқотда бўлиб туриш зарурлигини таъкидлади.

■ (ЎзА)

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ ФИКР АЛМАШДИЛАР

10 октябрь куни Россия ташқи ишлар вазири И.С.Иванов билан Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Ҳ.Комилов телефон орқали суҳбатлашди. Икки мамлакат Президентларининг топшириқларига мувофиқ, вазирлар Афғонистондаги террористик марказларга қарши АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳарбий операциялари муносабати билан минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашдилар ва бундан кейин ҳам икки томонлама асосда ҳамда кўп томонлама доираларда ўзаро яқин ҳаракат қилишга келишиб олдилар. Халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда мамлакатни инқироздан олиб чиқишга қодир ваколатли органларини шакллантиришга йўналтирилган, келишиб олинган саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Томонлар вазият ўз характерига кўра мураккаб бўлишига қарамай, Ўзбекистон ва Афғонистон оралиғидаги чегарада ҳолат барқарор ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан самарали назорат қилинаётганлигини қайд этдилар. Шу муносабат билан вазирлар ҳозирги жўн бўлмаган бир вақтда ишларнинг асл ҳолати ҳақида ҳаққоний ва холис ахборот тарқатиши лозим бўлган оммавий ахборот воситалари зиммасига алоҳида масъулият юкланишига эътибор қаратдилар.

■ «Жаҳон» АА



Ватан кенгликлари

■ Абдулғани ЖУМА олган сурат

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



ХАБАРДА ҲАМ ХАБАР БОР

Мана беш кундирки, Афғонистон ҳудудининг катта қисмини чулғаб олган террористларнинг лагерларини ва бу иллатнинг ўчоқларини йўқ қилишга қаратилган операция давом этмоқда.

Дунёнинг кўпгина давлатлари АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлагани халқаро ҳамжамиятнинг умумбашар хавф-хатар олдида жипслашувини, тараққий топган дунёнинг осойишталигига ҳамла қилаётган бу иллатни бутунлай йўқ қилиб ташлашга тайёрлигини яққол намоён этди.

Бу яна бир бор «куч — бирлик ва адолатда» деган ҳақиқатни исботлайди. Асрлар оша яшаб келаётган ва айниқса бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этган улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг ушбу доно сўзларига амал қилиб, дунёда софлик ва адолатга эришмоқ мумкин.

Давлатимизнинг ушбу масалага нисбатан қарашлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Баёнотида аниқ ва равшан ўз ифодасини топган: бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди ва бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

(Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

ЭЗГУЛИК ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

Террор дунёни қамраб олмаслиги, инсониятнинг бошига офат солмаслиги учун бугун бани-башар шу ёвуз кучга қарши курашаяпти. Гапнинг лўндасини айтганда, агар АҚШ ёки Буюк Британия давлатининг 7 октябрдаги дастлабки, 9 октябрдаги кейинги босқичда Афғонистондаги Усама бин Лодин лагерлари, терроризмнинг қурол-аслаҳалари жойлашган нуқталари, қолаверса, шу ёвуз кучнинг хайрихоҳига айланган толиблар жойлашган ерларга ҳаво ҳужуми уюштиришини, мен ер юзини ҳалокат жари ёқасидан қайтариб қолиш деб ўйлайман. Террорчилар кейинги ўн йилликда амалга оширган даҳшатли хунрезликларини бир-бир санайдиган бўлсак, бу офат инсониятнинг сабр косасини тўлдириб бўлган эди. АҚШда содир бўлган террорчиликдан сўнг агар АҚШ, Буюк Британия ва Европанинг бошқа илғор давлатлари бир ёқадан бош чиқариб терроризмга қарши курашмаганда, мусулмон ва араб давлатлари ҳам бу йўлнинг нечоғлик тўғри эканлигини қўллаб-қувватламаганда эди, террорчилар ҳаддидан ошиб кетган бўлардилар, бизни енгадиган куч дунёда йўқ, деб ўйлар эдилар. Террорчиларнинг ҳамтовоғи бўлган толиблар бугун қилмишига яраша жазо олаётганлиги уларга нисбатан ҳаётнинг, инсониятнинг жазоси деб ўйлайман.

Агар ана шу махсус операция амалга ошмаганда инсоният ҳаёти доимий таҳлика ва ҳалокатда бўлар эди-ку.

Мен кекса бир ёзувчи сифатида, терроризмга қарши оёққа қалқиган барча кучларни қўллаб-қувватлайман. Терроризм устидан қилинган ғалаба — инсониятнинг ёвузлик устидан ғалабасидир.

■ **Одил ЁҚУБОВ,**
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТИНЧЛИК БУЮК НЕЪМАТДИР

Мен қозоқ тилида ижод қилувчи ёзувчиман. Ўзбекистонда бугун 1,5 миллиондан ортиқроқ қозоқлар истиқомат қилишмоқда. Шу нарсани алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, фақат мустақилликдан кейин Ўзбекистонда қозоқ тилидаги илк адабий китоблар нашр юзини кўрди. Шунингдек, қозоқ мактаблари учун янги дарсликлар ҳам яратилди, чоп этилди. Бугун теварак-атрофда бўлаётган воқеаларга қараб, агар уйингда тинчлик бўлса китоблар ўқилиши мумкин, деган хулосага келдим. Рост гап, уйингда тинчлик бўлса китоб ёзасан, ўқийсан.

Президентимиз 1993 йилдаёқ БМТ минбаридан туриб дунё аҳлини терроризм хавфидан огоҳлантиргандилар. Лекин кўп давлатлар бу гапларга етарли эътибор бермади. Назаримда, Президентимизнинг даъватларига қулоқ тутилганда эди, дунёни талотўп қилаётган бугунги воқеалар содир бўлмасди.

■ **Маҳкамбой ЎМАР ўғли**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида терроризмга қарши операцияда ҳамкорликни тартибга солувчи ҳамда ўзаро мажбуриятлар ва ўзаро кафолатларни акс эттирувчи битим давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий ҳуқуқий базаси бўлди.

ХАБАРДА ҲАМ ХАБАР БОР

Маҳаллий ва чет эл журналистлари учун ўтказилган брифинг ўзбек-афғон чегарасида юзага келган вазият атрофидаги уйдирмаларга чек қўйди.

Дарҳақиқат, Афғонистонда терроризмга қарши ҳаракатлар бошланиши билан жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори оммавий ахборот воситаларига қаратилди. Улар ўз моҳиятига кўра ҳаққоний ахборот тарқатувчи, содир бўлаётган воқеалар таҳлилига холислик ва ҳақиқатгўйлик билан ёндошишлари зарурдир.

Дунёнинг аксарият оммавий ахборот воситаларининг далилларни бўяб-бежаб кўрсатишда, муайян мақсадларга хизмат қилувчи, одамлар онгига ёлғон хабарни тиқиштириш ва очиқдан-очиқ бўхтон ахборот тарқатишда ҳамда шу йўл билан кишиларни йўлдан чалғитиш, бошбошдоқлик ва ваҳимага солиш, бу билан эса ўзига сиёсий капитал орттиришда айблаш мумкин эмас.

Аммо булар фақат Россия оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда ОРТ, НТВ телеканаллари ва «Коммерсантъ», «Независимая газета» каби газеталаргагина эмас, шунингдек, қатор Интернет сайтларига ҳам тааллуқлидир.

Бу мухбирларнинг дастлабки шов-шувли телелавҳалари ва мақолаларини эслайлик. Уларнинг барчаси «Итнинг одамни эмас, балки одамнинг итни тишлаб олиши»га қаратилган сенсация принципларига таянгандир.

Гап гўёки «Толибон» раҳбариятининг Ўзбекистонга қарши «жиҳод» эълон қилганлиги ва чегараларимизда «Толибонлар» ҳаракатининг 8-10 минглик армияси тўпланганлиги ҳақида кетаяпти.

Табиий бир савол туғилади. Бу маълумот қаердан олинган? Ақлдан озган толибонларнинг ҳар қандай сўзини соф ахборот деб билиб, уни кенг оммага ёяётган Россия тележурналистларининг очиқдан-очиқ ғайирлик қилаётганлигини пайқаш қийин эмас. Уларнинг касб маҳоратлари ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ҳақиқат эса бошқа ёқда. Бу тўғрида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ва миллий хавфсизлик кенгаши котиби иштирокида ўтказилган брифингда батафсил ахборот берилди. «Мамлакатимиз чегараларида ҳеч қандай жангарилар тўплами йўқ. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўзларининг доимий жойларида туришибди ва улар ўзларининг одатдаги вазифалари билан машғулдирлар».

Борини айтадиган бўлсак, Россия оммавий ахборот воситалари томонидан ҳаётий аслиятга очиқчасига ҳужум бошланганлигига дуч келамиз. Улар террористларга қарши кураш операциясининг боришини ёритиш эмас, балки содир бўлмаган воқеаларни уйдириш ва уларни «чуқур таҳлил қилиш»га шўнғиб кетишди.

Содир бўлмаган ва умуман содир бўлиши ҳам мумкин бўлмаган воқеани қандай қилиб таҳлил этиш мумкин? Агар баъзи бировларда Ўзбекистонга нисбатан шахсий кўролмаслик мавжуд бўлса, буни бугунги кунда бутун инсоният олдида турган глобал муаммолар билан аралаштирмаслик керак.

«Жиҳод» ҳақида гапирадиган бўлсак, у фақат ислом динига, унинг бундан кейинги ҳаётига қарши йўналтирилган хавф мавжуд бўлган ҳолдагина эълон қилиниши мумкин.

Бундай ҳолат исломнинг дунёга келиши даврида бўлган холос.

Ҳозир ислом билан ким кураш олиб бормоқда? Агар сиз ислом ва ўзининг паст мақсадлари йўлида ислом ниқоби остига беркинган террористлар ўртасидаги оддий бир фарқни тушуна олмасангиз, унда бундай журналистлар нафақат бу каби муаммолар тўғрисида мақолалар ёзиш, балки бу ҳақда ўйлашга ҳам ҳақлари йўқ.

Йигирма биринчи аср реалликлари даврида, замонавий шароитда қандай жиҳод бўлиши мумкин ва умуман мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми ислом динига эътиқод қиладиган бир шароитда у қандай қилиб Ўзбекистонга қарши йўналтирилган бўлиши мумкин?

Шимолий алянс бўлинмалари толибларни мамлакат шимолидан ичкарига қувиб турган ва АҚШ ҳамда Англия ҳарбий-ҳаво кучлари ҳаводан туриб уларни маҳв қилаётган бир пайтда Россия телеканаллари чегарамиз ҳудудида толибларнинг қандай қўшинлари тўпланаётганини эълон қилаётир?

■ **Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси**

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА

Турсун АЛИ олган суратлар

Шу купларда Сурхондарёнинг қайси бурчагида бўлманг, қадимий Термизнинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик нафасини ҳис қиласиз. Бойсуннинг Мунчоқ қишлоғида яшовчи машҳур Шоберди бахши Болтаевнинг Термизга бағишланган ажойиб қасидалар яратиб, жўш уриб, баралла куйлаб юрган пайтининг гувоҳи бўлдик.

Деновлик уста Муҳаммадрасул Зуҳуров ота-боболаридан етиб келган қадимий анъаналар бўйича ажойиб кулоллик асарлари яратмоқда. Швейцариялик йирик санъатшунос Франс Фрид унинг ишларига юксак баҳо берди. Уста маҳорат билан яратган бу асарларни Термиз тўйига ҳозирлаётганини айтиб қолди.

Деновнинг чекка бир қишлоғида яшовчи истеъдодли рассом Сувонқул Аҳмедов ҳам она-юрт манзараларини ишлаб, қатор туркум асарлар яратмоқда.

ЭЛГА ЭШ БЎЛГАН ЎЗАР

ИСТИҚЛОЛ — БУЮК НЕЪМАТ

Мустақилликка эришганимизга ўн йилдан ошди. Мана шу йиллар давомида доно юртбошимиз раҳбарлигида қанчадан-қанча ютуқларни қўлга киритдик. Менинг назаримда ҳар бир юрт ютуғининг калити раҳбарнинг элсеварлигига, ташкилотчилик истеъдоди ва муомаласига боғлиқ, деганлари рост. Қува туман ҳокими Муҳаммаджон Носиров шундай хислатлари билан она-юртига кўркамлик, улуғворлик бахш этди. Келажакка ҳам хизмат қиладиган ноёб эзгуликларни амалга оширди. Тўғри, илгариги раҳбарлар даврида ҳам ўзгаришлар бўлган. Лекин мустақиллик шарофати билан олиб борилаётган бугунги маҳоратли юмушлар кўлами Қува учун нур устига аъло нурдир.

Бунинг учун ҳоким аввало Қуванинг устунларига суяниб, яхши гап, рағбат билан, фикр-мулоҳазаю ташаббуси билан уларни ишга сола билди. Ва бу эзгу иш давом этяпти. Устунлар — булар тадбиркорлар.

Ўнлаб қурилишлар, айниқса, қувалик буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний зиёратгоҳи барпо этилишида марҳум Иброҳимбек Каримов, Мусожон Исмоилов, Миродилжон Ҳайдаров, Бегали Қурбонов, Исмоилжон Узоқов, Рустамжон Салимов каби Қуванинг асл фарзандларининг ҳам ҳиссаси бор. Турли ташкилотларга раҳбарлик қилиб, ҳисоб-китобни пухта йўлга қўйиб олган бу тадбиркорлар баракали даромаднинг буромадини ана шундай хайрли, қутлуғ ишларга сафарбар этдилар. Шундай қилиб, Қува Самарқанду Бухоро, Хиваю Термиз каби халқаро қадамжо бўлиб қолди.

Ўтган йили Қува тўқимачилик корхонасининг ип йигирув фабрикаси ишга туширилиши ҳам катта воқеага айланди. Бу ерда ҳозир 500 нафар қувалик йигит-қизлар Швейцариянинг замонавий ускуналарида ип йигиришяпти. Ҳадемай тўқув, тикув, бўёқ фабрикалари ҳам ишга тушади-ю, тўрт минг нафар йигит-қиз қўним топиб, Қува пахтасини тайёр кийимлар ҳолида халққа туҳфа қиладилар.

Бу гапларни айтиш осон, лекин унинг замирида энг аввало туман ҳокимининг саъй-ҳаракати, ташкилотчилик санъати мужассам бўлганини ҳамма ҳам тасаввур қилавермайди.

Республика Олий Мажлиси депутати, кўп хайрли ишлар қилиб, халқнинг дуосини олган Миродилжон Ҳайдаров бошчилигидаги Қува матлуботчилари эса Ал-Фарғоний зиёратгоҳи ёнидаги 400 кв. метр майдонда «Қува тарихи музейи»ни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Замонавий техника билан жиҳозланган бу мозийхонада Қуванинг ўзига хос бой ва қадимий тарихи ҳамда номи ўчмас асл фарзандлари ҳаёти билан бир неча дақиқалар ичида танишиш имконияти яратилди.

— Миродилжон Ҳайдаровдек мард, сахий кишиларнинг бундай ноёб туҳфаси боқий қолади, — дейди Муҳаммаджон Носиров ифтихорга тўлиб. — Биз энди Қувага келган ҳар бир меҳмонга ўзлигимизни намойиш эта оламиз. Қани энди Ҳайдаровдек ишбилармон йигитлар элликта бўлса, юзта бўлса...

— Ал-Фарғоний зиёратгоҳига, — дея сўзида давом этади ҳоким, — чет эллардан, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм каби барча вилоятлардан юзлаб зиёратчилар келишди. Уларни шу ернинг ўзида бир пиёла чойга таклиф этиш учун дурустроқ жой йўқ эди. Барака топкур, моҳир тадбиркор Раҳмонали Жўраев фикримизни қўллаб-қувватлаб, ҳиммат кўрсатди. Миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида 360 ўринли чойхона қурдирди. Ал-Фарғоний зиёратгоҳи ёнида қад ростлаган бу оталар чойхонасида Қувага келган барча меҳмонлар учун қулай шароит муҳайё.

«Мингчинор» қишлоғидаги касбҳунар коллежи, «Экосан» хусусий фирмаси раҳбари Музаффар Носиров қурдирган «Қува гуллари» дўкони, тадбиркор Ғофиржон Исмоилов барпо этган «Ал-Азиз» қандолат цехи (1 кунда 7-7,5 тонна қандолат ишлаб чиқарилади), «Дўстлик», «Бўстон», «Гулистон» ширкат хўжаликлари марказларида ишга туширилган қишлоқ врачлик амбулаторияларини ва ниҳоят 2001 йилда очилган муҳташам «Оналар ва болалар» шифохонаси...

Республикамизда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноати ҳам ривожланган туманлар бармоқ билан санарли. Қувада ўтган йилнинг ўзида 11 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилганлигини айтиш кифоя.

Яқиндагина Иброҳимбек Каримов номи берилган (шу кишининг ҳомийлиги ва бевосита раҳбарлигида қурилган) Қува қандолат фабрикасида Германия технологияси асосида ҳар куни тонналаб шоколад, печенье, мармелад, новвот, пашмагу парвардалар, жами 16 хил ширинлик ишлаб чиқарилмоқда. Раҳматли Иброҳимбек Каримов бошлаб қўйган қанд ўроғ қоғозлари ишлаб чиқариш босмахонаси қурилишини эса унинг шогирди, корхона раҳбари Абдуллажон Фозилов давом эттирмоқда. Бунинг учун Абдуллажон 1 миллион 700 минг долларлик чет эл инвестициясини тасдиқлатиб келишга эришди.

«Қувадонмаҳсулотлари» комбинатида Италия технологияси асосида макарон, вермишель, консерва заводида ҳам Италия технлогияси билан анор шарбати, «Экосан» хусусий фирмасида турклар билан ҳамкорликда ширинликлар, «Ахрор» қўшма корхонасида пишлоқ, сариёғ каби етти хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Суюкли шоиримиз Абдулла Орипов:

Қаршимда Ер шарин
сурати турар,
Салмоғи Қуванинг
анорича бор,

деб таърифлаганидек, Қува ўзининг анори билан машҳур.

«Анор» жамоа хўжалигининг 650 гектарлик мевазор боғи бўлса, шунинг 340 гектари анорзор.

Инсон чарчаганда қўшиқ тинглайди, тўрт қатор шеър ўқийди. Ҳа, кимдир телевизор кўриб завқланади, яна биров қўшиқ тинглаб, ҳордиқ чиқаради.

Дарвоқе, қўшиқ, шеър... Қуванинг «Анор», «Зебо» номли халқ ансамблари республикадагина эмас, чет элларда ҳам машҳур: Бельгияда, Миср Араб Республикасида, Болгарияда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда биринчи ўринни олишди. Энди уларни Японияга ҳам таклиф қилишяпти. «Анор» ва «Зебо» Қувада, Фарғонада, Тошкентда бўладиган байрамларнинг, халқ сайилларининг кўрки, ифтихори.

Қувалик ижодкорларнинг асарлари тўпланиб, китоб ҳолида чоп этилди.

Бу юрт алломалар юрти,
баҳодирзодалар юрти,
Сўзидан қайтмаган эрлар,
дили пок, тозалар юрти.
Таваккал Қодир ўлидан
баланд овозлар юрти,
Менинг зарларга бергусиз
Туроним-жонажоним,
Қувамсан — дилда боримсан,
онам Фарғона жонимсан, —

деб ёзади Муҳаммаджон Носиров Қува ҳақидаги шеърий машқларидан бирида. Ал-Фарғоний таваллуди шодиёнасига тайёргарлик кўрилаётган кунлар Қува — Асака, Қува — Фарғона, Қува — Марғилон, Қува — Шаҳрихон, Қува — Марҳамат каби йўллар — жами юз километрлик масофада гулзорлар яратилди. Қува халқи, барча ташкилотлар бу савобли ишда бажонидил иштирок этдилар. Қувага ташриф буюрган Президентимиз Ислом Каримов қуваликлар шаънига офаринлар айтди.

Бу йил қуваликлар Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига атаб барча соҳаларда муносиб туҳфалар тайёрлаш билан бирга ўша юз километрлик гулзорни янада яшнатишди.

■ **Санъат МАҲМУДОВА**

ОЧИҚ ГАПЛАР

БИЖҒИГАН ДЕБИТОРЛИК

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси диққатига

Гапнинг индаллосини ёзиб ва айтиб қўя қолайлик. Боиси, қонун посбонлари тўғри ва ҳақ гапни яхши кўришади. Гап шундаки, Самарқанд вилояти Тайлоқ туман«идаги «Агросаноат» кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Рустам Холмуродов билан Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ шаҳридаги «Балиқ-консерва» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Даулбой Қидирниёзовлар ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида 1999 йилнинг 4 август куни шартнома тузишди. Жимжимадор имзолар қўйиб, муҳрлар босилди. Натижада қонуний ҳужжатлар тайёр бўлди.

Шу ўринда тадбиркорлар фаолияти ҳақида бир оғиз сўз. Тайлоқлик ногиронлардан ташкил топган кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо хусусий корхонасининг асосий фаолият тури — янгиликлар ихтиро этиш ва ўзлари яратган асбобускуналар билан кичик заводлар қуриб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқишни йўлга қўйишда ҳамкорлик қилиш.

Шартномага кўра, «Агросаноат» савдо корхонаси очиқ турдаги акциядорлик жамиятига, аниқроғи, балиқ консервалаш комбинатига Д.К.В. Р 4/13 котелни 11.570.000 (ўн бир миллион беш юз етмиш минг) сўмга етказиб ва қуриб беришни ўз зиммаларига олди. Шартнома бугунги кунга келиб асосан бажарилди.

Ишнинг силлиқ кетиши ва бажарилиши Даулбой раисни оғзини қулоғига етказиб, хурсанд қилди. Кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Шундан сўнг, ўша йилнинг 6 декабрь куни яна битта шартнома пайдо бўлди. Бу аҳдлашувга кўра, хусусий корхона Мўйноқ балиқ-консерва комбинатига 2 (икки) миллион сўмлик зангламайдиган қувур, задвижка етказиб ва қуриб беришни ўз зиммасига олди. Хусусий корхона раҳбари, олий маълумотли механик-муҳандис, иккинчи гуруҳ ногирони Рустамжон елиб-югуриб, Мўйноққа бўзчининг мокисидек қатнаб шартнома шартларини юз фоиз бажарди.

У ишлаб чарчамади. Лекин мана қарийб икки йилдан ошдики, хусусий корхона раҳбари шартномада кўрсатилган пул кўчириш шартларининг иккинчи томондан бажарилмаётганлигидан хуноб. Унинг акциядорлик жамияти ва мўйноқлик катта-кичик раҳбарларга ёзган аризалари сувга тушган тошдек изсиз йўқолмоқда. Қорақалпоғистонлик иниларимиз дебитор қарзни тўламаслик ноқонуний ҳолат эканлигини тушунса ҳам тушунмасликка олаяпти. Оғизларига талқон ташлаб туришибди.

— Иккала шартнома бўйича дебитор қарзни ундириш мақсадида Самарқанддан Мўйноққа 16 марта бордим. Йўл азобидан кўп бора озор чекдим. Ойлаб шу ерда турдим ва қийналдим. Оваради сарсонгарчиликдан адойи тамом бўлдим. Ўз қадримга ачинаман. Ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиб мурожаат қилмаган идора ва кирмаган эшигим қолмади, — дейди Рустамжон Холмуродов. — Ҳамма аризангиз кўриб чиқилаяпти. Жавобини сизга маълум қиламиз, деган ваъдабозликдан нарига ўтишмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига икки марта мурожаат қилдим. Биринчи хатимга хўжалик судларида ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Б. Шомирзаев имзоси билан жавоб келди:

«Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Х. Ҳалимовга

Аризада келтирилган важларни керакли ҳужжатларни ўрганиш йўли билан текшириб, натижаси тўғрисида хат муаллифига маълум қилишингизни сўрайман». (2001 йил 24 июль № 30/18 р-2001) Иккинчи аризамга ҳам шу киши имзоси билан юқоридаги мазмундаги жавоб хатни (2001 йил 31 август № 20/95-01) олдим. Лекин бу ёзишмалардан заррача ҳам наф бўлмаяпти. Ёки қорақалпоғистонлик қонун посбонлари хат ортида инсон борлигини билмайдиларми?! Ахир, корхонамиз фаолият кўрсатиши, одамлар ишлаши ва болачақасини боқиши керак-ку!

Мўйноқ балиқ-консерва очиқ турдаги акциядорлик жамияти 38.002.405 (ўттиз саккиз миллион икки минг тўрт юз беш) сўмимизни тўламай юз фоиз ногиронлар ишлаётган корхонамизни фалаж аҳволга солиб қўйди. Баъзи жойларда етимесирлар ҳақига хиёнат қилинганлиги ва қинғирликлар бўлганлигини эшитардик. Акциядорлик жамиятининг раҳбарлари (раиси Д. Қидирниёзов) катта ёшдаги ногиронларни алдаётгани ва қонунни менсимаётганига нима дейиш мумкин?! Бу ҳолат ва ноқонуний хатти-ҳаракатга Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасидаги мутасаддилар бефарқ қарашмас, ахир. Инчунин, тадбиркорлар қонун ҳимоясида-ку!

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

«ТАҲДИД — ҲАЛОКАТЛИ КУЧ»

Истиқлолимиз 10 йиллиги арафасида «Академия» нашриёти томонидан нашр этилган Шукритдин Пахрутдиновнинг «Таҳдид — ҳалокатли куч» номли китоби ҳозирги кун сиёсатшунослик фанининг муҳим муаммосига бағишланган.

Ушбу тўпламда муаллиф сўнгги пайтларда умумхалқ сиёсий тафаккуридан ўрин олган «таҳдид» тушунчасининг илмий-назарий асосларини ва унинг инсоният ҳаётидаги кўринишларини чуқур ва атрофлича таҳлил этишни мақсад қилиб олган.

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, «таҳдид» ибораси сиёсий мафкура доирасига 1994 йилнинг 22 сентябрида Президентимиз Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида биринчи бор киритилди. Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал асарида ҳам ҳозирги халқаро дунё ва мамлакатимизнинг янгича тараққиёт қонунларини чуқур таҳлил қила туриб, таҳдид муаммосини худди шу йўлда ўзини намоён этаётган ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида кўрсатди. Шу билан бирга кенг илмий-назарий ва амалий асосларни баён этди. Давлатимиз раҳбари айни пайтда «таҳдид» муаммосини ўзининг маъруза ва суҳбатларида халқимизга кенг кўламда тушунтириб келмоқда. Бу ҳолат олиму зиёлилар учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу кўрсатмаларни муаллиф методологик асос қилиб олиб, муаммоларни таҳлил ва тадқиқ этишга киришган.

Китобнинг биринчи умумназарий бобида «таҳдид» тушунчаси тарихий-фалсафий кўламда таҳлил этилган. Муаллиф бу муаммо таҳлилига доир тарихий ва замонавий адабиётларни, халқаро матбуот материалларини, XX аср таниқли сиёсатдонларининг фикрларини анча чуқур ўрганганлиги кўриниб турибди. Мана шундай даражадаги чуқур билим, кузатишлар ва мулоҳазалар китоб мазмунини бойитган, унинг қизиқарли жиҳатлари, китобхонлар учун зарур маърифий аҳамиятли манбага айланишини таъминлаган. Маълумки, жамият тарихий тараққиётида таҳдидлар ҳамиша ва ранг-баранг кўринишларда содир бўлиб келган. Одамзод табиий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, демографик, мафкуравий, маънавий ва экологик таҳдид ҳолатларини бошидан кечирган. Бу таҳдидларнинг аксарияти халқ ғазабига учраган бўлишига қарамай, одамларни кўпинча оғир фожиаларга дучор этган.

Китобда, шунингдек, табиатдаги мавжуд қарама-қаршиликлар бирлиги қураши қонунининг жамиятга кўр-кўрона татбиқ этиш ҳолати тарихий жараёнда халқлар бошига кулфатлар ва кўпгина таҳдидларни солаётганлиги тарихий далиллар воситасида асослаб берилган. Қарама-қаршиликларни мутлоқлаштириш ва уни сиёсий йўлга айлантириш инсоният бошига кулфатлар келтирган ва янги таҳдидларни келтирмоқда. Табиат қонуниятлари асосларида, муаллиф айтганидек, аслида «ўзаро монандлик муносабати» ётади.

Китобнинг иккинчи бобида истиқлолга эришган Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлида дуч келаётган турли-туман таҳдидлар Президентимизнинг дадил, жасоратли ҳамда келажакни олдиндан кўра олиш иқтидорига таянган ҳолда етарли ҳаётий далиллар билан таҳлил этилган. Асар муаллифи кўпгина масалалар қатори диний экстремизм, диний-сиёсий оқимлар ва ҳаракатлар муаммосига ҳам эътиборни жалб этган. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги даврдаги мавжуд таҳдидларда диний экстремизмнинг таъсири катта. Шу туфайли муаллиф унинг тарихий илдизларини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилган. Бу аввало турли диний оқимлар ва уларни бошқариб турадиган марказлардир.

Муаллиф тўғри изоҳлаганидек, мавжуд «Мусулмон биродарлари» ташкилоти XIX асрнинг 90-йилларига келиб гоҳ яширин, гоҳ ошкора 30 га яқин мамлакатларда турли номларда фаолият юрита бошладилар. Хусусан, Жамоати ал-Муслимий, Ал жиҳод Ал-Исломий, Ислом озодлик партияси, Ислом жамоалари, Ат-Такфир валҳижрат ва бошқалар... Диний экстремизмнинг фаол оқимларидан бири — ваҳҳобийлик. Унинг келиб чиқиши, моҳияти ва оқибатлари ҳақида ҳам муаллиф кенг ва ўринли мулоҳаза юритади.

Асар муаллифи таъкидлаганидек, ҳозирда атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда экологик муаммоларга бағишлаб турли хил баҳслар, йиғилишлар, конференциялар ўтказилаяпти. Матбуот саҳифаларида тез-тез регионал экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида кўплаб мулоҳазалар ва умумлашмалар ҳам пайдо бўлмоқда. Аммо бу билан муаммо ҳал бўлаяптими, деб савол қўяди ва унга одил жавоб беришга ҳаракат қилади. Яъни, «атроф-муҳит экологиясининг бузилишига асосий сабаблардан бири — табиат бойликларидан фойдаланишда моддий ва маънавий жавобгарликни ҳис этмасликдир», деган тўғри хулосани беради.

■ **Собир МИРВАЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор.**
Эркин УМАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

МИЖОЗЛАР МАМНУН БЎЛМОҚДА

— Халқ банкининг 7950-Пахтакор тумани бўлими хизматидан фойдаланаяпмиз, — дейди тумандаги «Мансур ММ» фермер хўжалиги раҳбари Мавлон Мелиев. — Бу ерда мижозлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган.

— Банк мутахассисларининг ёрдами билан 2 миллион сўм кредит олган эдим, — дейди «Музаффар» фермер хўжалиги раиси Зафар Салимов, — бу маблағни фермер хўжалигини ривожлантиришга сарфладим. Натижада бир йил ичида кредитни уздик, пахта ва ғалладан даромад олиш эвазига эса 1,5 миллион сўм фойда олишни кўзлаб турибмиз.

— Бўлимимиз ва унинг жойлардаги 10 та шаҳобчасида 34 киши ишлайди, — дейди банк бошқарувчиси Абдували Умаров. — Йил бошида мижозларимиз сони 16 та эди, ҳозир 68 тага етди. Аҳолининг 46 миллион сўм маблағини омонатларга жалб қилганмиз. Ҳар ойда 12-13 миллион сўм нафақа тарқатяпмиз, 9-10 миллион сўм кредит беряпмиз.

Суратларда: бошқарувчи Абдували Умаров мижозлар билан; «Алл-Малл» фермер хўжалиги раиси Насриддин Ширинов банк ходими билан маслаҳатлашмоқда.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ХРОНИКА

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ДОИРАСИ КЕНГАЙИШИ МУМКИН

АҚШ ва Британия ҳарбий кучларининг Афғонистонни ҳаводан бомбардимон қилишлари давом этмоқда. Бу ҳарбий ҳаракатнинг кейинги даврида, яъни бевосита ҳаво зарбалари беришда АҚШ ҳарбий кучларининг ўзигина иштирок этган. Британия ҳарбийлари эса орқа фронтдан кўмак бериш билан чегараланган. Кейинги ҳаво зарбалари олдингиларидек мунтазам уюштирилмаган бўлсада, асосий мақсад толибларнинг ҳарбий ҳаво кучларини жанговар ҳолатдан чиқариш бўлиб қолмоқда. Шунингдек, АҚШ ҳарбий тактикасида энди кўпроқ мўлжални аниқ нишонга оладиган енгил самолётларга аҳамият бериш режалаштирилган. Ҳозирча толибларнинг бирорта ҳарбий объекти тўла ишдан чиққанлиги ҳақида маълумот йўқ.



АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг маълумот беришича, ҳаво зарбаларидан асосий мақсад толибларнинг ҳаво кучларини қаршилик кўрсатолмайдиган ҳолатга келтиришдир. Бироқ бу мақсадга ҳозирча тўла эришилгани йўқ.

9 октябрь куни Эроннинг IRNA агентлиги АҚШ ҳаво зарбалари натижасида толибларнинг икки нафар командири, шунингдек, фуқаро авиацияси вазири Муҳаммад Мансур ҳалок бўлди, деган хабарни тарқатган. Бироқ бу хабар дарҳол толибларнинг расмий вакили Абдул Хон Мутмаен томонидан рад этилган. Шунингдек, бу расмий вакилнинг баёнот беришича, АҚШ ҳарбийларининг кейинги зарбалари толибларнинг бирорта ҳарбий объектларига шикаст етказмаган. Абдул Хоннинг айтишича, бин Лодин ва мулла Умар ҳам соғ-саломат.

Маълумки, толиблар ҳудудида асосан Қатарнинг «Ал-Жазир» телевидениеси фаолият юритаяпти. 9 октябрь куни айнан шу компания бин Лодиннинг видеоёзуви туширилган иккинчи лавҳани тарқатди. Биринчиси, АҚШ ҳарбий ҳаракатлари бошланган 7 октябрда тарқатилган эди. Ушбу лавҳада бин Лодин Американи яна терроррга чулғаши ва мусулмонларни жиҳодга чақириш баёноти билан чиққанди.

Ҳаво зарбалари бўлиб ўтгач, толибларнинг Покистондаги элчиси Абдул Салам матбуот анжумани ўтказган ва бомбардимон натижасида тинч аҳолидан қурбонлар бўлганлигини, шунингдек, толиблар қанча қурбон бўлишидан қатъи назар ўз позициясини ўзгартирмаслигини таъкидлаб ўтган. Ҳозир АҚШ томонидан ўтказилаётган терроризмга қарши ҳужумга расман эътироз билдираётган давлат бу Ирок.

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан АҚШ ҳарбий ҳаракатлари қўллаб-қувватлангач, Американинг БМТдаги вакили Жон Негропонте Хавфсизлик Кенгашига хат билан мурожаат қилган. Ушбу хат моҳиятига кўра, АҚШ ҳарбий ҳаракатлари чегараси, аввал бошда таъкидланганидек, бир неча мусулмон мамлакатлари, яъни террористик базалар жойлашган ҳудудлар ҳисобига кенгайиши мумкин. «Биз ўз ҳимоямиз ҳақида ўйлаб шу хулосага келдикки, кейинги ҳужумлар бошқа давлатлардаги бошқа гуруҳлар бўйлаб ҳам уюштирилиши мумкин» дейилади Жон Негропонтенинг баёнотида. Бироқ Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро бу борада қуйидагича фикр билдиради: «Биз америкаликлар билан биргаликда ҳозирча фақат Афғонистон бўйлаб ҳаво зарбалари беришига келишдик. Масаланинг илдизи фақат ўша ерда».

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг сўзларига кўра, АҚШ БМТ низомлари асосида иш кўраяпти, терроризм устидан буткул ғалаба қилиш учун «барча миллатларни бирлаштирувчи ҳамкорликда ишлаб чиқилган кенг қамровли стратегия лозим».

■ Малик МАНСУР

УМУМАРАБ ПОЗИЦИЯСИ

Қатарда араб давлатлари вакилларининг учрашувлари давом этмоқда. АҚШ томонидан БМТга ҳарбий ҳаракатлар чегараси баъзи бир араб давлатлари ҳисобига кенгайиши мумкин эканлиги ҳақида огоҳлантириш бўлгач, бу мурожаат бир қатор араб давлатларининг эътирозига сабаб бўлди. Хусусан, Араб давлатлари лигасининг бош котиби Амр Муса «бошқа бирорта араб давлатларига уюштирилган ҳужум қандай мақсадда амалга оширилган бўлмасин, жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин» дея баёнот берди. Қатар пойтахтида ўтаётган ушбу «Ислом конференцияси»да 57 мусулмон давлатларидан вакиллар қатнашиши кутилмоқда. Ушбу анжуманда мазкур давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари Афғонистон воқеаларига нисбатан умумий позицияни ишлаб чиқадилар. Қатарда ўтаётган бу анжуманда Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ҳам иштирок этмоқда, дея хабар беради Би-Би-Си.



ФРАНЦИЯ — «УМИД» ХАРИТАСИДА

Дилшод Иброҳимов — ўзбекнинг умидли ёшларидан бири. У «Умид» жамғармаси кўмагида Франциянинг Тулуза шаҳридаги Ижтимоий фанлар университетининг сиёсий фанлар ҳамда халқаро муносабатлар ва хавфсизлик факультетларини муваффақиятли тамомлаб келди. Ҳозирги кунда чет эллик талабаларни энг кўп қабул қилаётган давлатлар ичида Франция жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Хўш, бунинг боиси нимада, нима учун хорижлик ёшлар айнан Францияда таҳсил олишга қизиқишади? Ваҳоланки, француз олий таълим тизими машаққатли ва энг мураккабдир.

— Франциянинг олий таълим тизими бошқа давлатларникидан кескин фарқ қилади, — дейди Дилшод Иброҳимов биз билан суҳбатда. — Тизим учта асосий туркумга (цикларга) бўлинади, туркумлар эса ўз навбатида диплом даражаларига ажралади. Лицейдаги ўрта таълимни тугатган ёшлар университетнинг биринчи туркумидан ўқишни бошлайдилар. Демак, биринчи курсда улар «Deug» диплом даражасини эгаллаш мақсадида таҳсил оладилар. Биринчи туркумда ўқиш икки йил давом этади ва бунда талабаларга асосан умумий билимлар берилади.

Иккинчи туркумдаги таълим ҳам икки йилга мўлжалланган бўлиб, талабалар аввал «Licence» даражасини, сўнгра «Maitrise» дипломини ҳимоя қилишлари шарт. Аниқ мутахассисликлар сари йўналиш берувчи иккинчи туркум француз олий таълим тизимининг энг қийин босқичи сифатида эътироф этилган.

Учинчи туркумда талаба учун икки хил йўл таклиф этилган: меҳнат бозорида самарали ва истиқболли иш топмоқчи бўлган «Dess» дипломини ёки илмий тадқиқот йўлига ўзини бағишлаган, келажакда аспирантура ва докторантурада ҳам ўқиш истагида бўлганлар «Dea» даражасини танлаши мумкин. «Dess»ни битирганлар касб маҳоратини ошириш мақсадида ишга кирадилар, «Dea»ни тугатганлар эса аспирантура учун ўз номзодини кўрсатиши мумкин.

— Университетларга талабалар қай тарзда қабул қилинади?

— Талабаларни университетга қабул қилишда аксарият ҳолларда кириш имтиҳонлари топширилмайди. Яъни университетга кириш лицейдан бошланади десак тўғрироқ бўлади. Лицей ўқувчиси битирув йилида «бакалавриат» имтиҳонларини топширади, (Биздаги 11 синф битирув имтиҳонлари Францияда бакалавриат деб юритилади). Бакалавриат имтиҳонларидан яхши ўтган ўқувчи хоҳласа университетга кириш учун ҳужжат топширади. Университетда эса барча номзодларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилади ва энг яхши натижага эришган бакалавр соҳиблари танлаб олинади.

Францияда ўқишга кириш анча осон, лекин битирув жуда ҳам қийин. Сўзимнинг исботи сифатида бир мисол келтирсам: бизнинг курсдаги 242 нафар талабадан атиги 138 нафари мутахассислик дипломларини эгалладик, қолган талабалар кузги сессияда яна бир уриниб кўрадилар, акс ҳолда уларга диплом берилмайди. Дипломга эришолмаган талабалар бир йиллик умрини бекор ўтказган бўлади, кеаси йил яна қайтадан ўқишга мажбур.

— Франция олий таълим тизими яна қайси жиҳатлари билан сизга маъқул бўлди?

— Диққатингизни ўзига тортадиган яна бир нарса, талаба университетга киргандан сўнг тўрт-беш йил давомида битта факультетда, бир мутахассисликни ўқиши шарт эмас. Масалан, дастлабки ўқув йиллари ҳуқуқ факультетини тамомлаган талаба ўз ихтиёри билан бу йил тарих факультетида таҳсил олиши, келаси йилда эса сиёсатни ўрганиши одатий ҳол. Учинчи курсни битирган талаба ихтиёрий равишда университетдаги ўқишларини якунлаб, меҳнат бозорига йўл олиши мумкин, яъни кейинги курсни битиришдан бош тортишга ҳақли. Аммо меҳнат бозорида бир қонуният ҳукм суради — эгаллаган дипломларингиз даражаси қанчалик катта бўлса, иш топиш имкониятингиз ҳам шунчалик юқори бўлади.

Олий маълумотли мутахассислар кўп етишиб чиққанлиги сабабли меҳнат бозорида ўзига хос рақобат бор. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керак, меҳнат бозорларидаги рақобат олий таълимни тартибга солиб, зўрлар ичидан зўрларни саралаб олади. Шу боис ҳам француз ёшлари қисқа вақтда кўп қиррали билим олишга интилишади. Тизимда эса бунга имконият яратган. Яъни, талаба бир йилда ўз имкониятига қараб икки ва ундан ортиқ дипломни эгаллаши мумкин. Никола исмли бир француз дўстим 1999-2000 ўқув йилида бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий фанни, ҳам тарих, ҳам жамиятшунослик факультетларини тамомлади, бир йилда уч диплом соҳиби бўлди.

Француз олий таълим тизими «машина»си шундай қурилганки, талаба бир зум ҳам бўш қолмайди. Чунки талаба назарий ва амалий дарсларга қатнашиш билан бирга, ҳар йили илмий иш қилиши ҳам лозим.

Францияда ёшлар ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлаши керак. Чунки айрим ҳолатлардан ташқари, аксарият ҳолларда давлат томонидан талабаларга стипендия берилмайди. Лекин, университетга кирган талабалар ўз-ўзидан ижтимоий ҳимояланган ҳисобланади. Дорихоналардан дори-дармонлар бепул берилади, ётоқхоналар ёки шахсий уйларда турувчиларга ҳақ тўлаш 50%га арзонлаштирилган, сартарошхона, кинотеатр, жамоат транспортларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

— Ўзингиз таҳсил олган университет ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Тулуза — ёшлар ва талабалар шаҳри, Франция миқёсида таҳсил олаётган барча талабаларнинг сони бўйича Париждан кейинги иккинчи ўринда туради. Мен магистрлик малакасини олган Ижтимоий фанлар университети ҳам шу шаҳарда жойлашган. Турли ёшдаги талабалар бир курсда таҳсил олардик. Французларда шундай кўтаринки кайфият борки, бунга фақат ҳавас қилдим. Улар ҳеч қачон бир нарсани ўрганишга кеч бўлди дейишмайди. Бизнинг курсимизда энг кекса 67 ёшли истеъфодаги полковник Жером исмли киши ҳам бор эди. Менинг Францияда орттирган дўстларим асосан ёшлар — улкан дарахтнинг янги новдалари. Улар Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарашади. Биз улар билан дўстона хайрлашдик. Деярли ҳар ҳафта ўқув семинарлар ўтказардик. Илмий конференциялар ташкил этилиб, унга чет давлатларнинг элчилари, Европадаги етук мутахассислар, бошқа олийгоҳларнинг илмий ходимлари, таниқли олимлар таклиф этилади.

Бизнинг университетда талабалар томонидан тузилган ўнлаб уюшмалар мавжуд бўлиб, улар асосан университет ҳаётига тааллуқли ижтимоий ва маърифий масалаларни ректорат билан музокаралар орқали ҳал этар, талабаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиларди.

■ Дилбар ТУРҒУНОВА суҳбатлашди

ҲАЛОКАТ САБАБИ АЁНЛАШМОҚДА

Ўтган пайшанба куни юз берган Тель-Авивдан Новосибирскка учаётган ТУ-154 самолёти ҳалокатининг сабаблари ҳозиргача аниқ бир хулосада тўхтагани йўқ. Самолёт Россия ҳаво чегарасига киргач, радарлар назоратидан йўқолади ва денгизга қулаб тушади. Худди шу ҳаво кенгликларида ҳаракатланаётган Арманистонга тегишли самолёт сардорининг гувоҳлик беришича, самолёт олдин ҳавода портлаган, иккинчи портлаш эса бевосита сувга қулаганда рўй берди. Ҳаво кемасида экипаж аъзолари билан ҳисоблаганда 77 киши бор эди, уларнинг барчаси ҳалок бўлган. Ҳалокат жойига етиб борган Россия қутқарув хизмати вакиллари 13 жасадни сувдан чиқариб олишга муваффақ бўлишди. Маълумотларга кўра, йўловчиларнинг кўпчилиги Исроил фуқаролари бўлган. Тахминларга кўра, самолёт террорчилар ҳужумига йўлиққан бўлиши мумкин.



Бироқ воқеа содир бўлгандан сўнг бироз вақт ўтиб Американинг CNN телекомпаниясининг хабар беришича, ТУ-154 Украина мудофаа кучлари машғулоти пайтида учирилган ракета оқибатида ҳалокатга учраган. Бу хабар ҳозиргача Украина мудофаа вазирлиги томонидан ўз тасдиғини топгани йўқ. Ҳақиқатда шу вақтда Украинада жанговар машғулотлар ўтказилган, бироқ мамлакат Мудофаа вазирлиги вакилининг маълумот беришича, учирилган ракеталарнинг барчаси мўлжалланган нишонни ишғол этган.

Хуллас, бу борада ҳозиргача аниқ далиллар йўқ эди. Мутахассислар агар Украина ҳарбийларининг маълумоти тасдиқланса, самолёт ҳалокатининг ягона сабаби террор бўлиши мумкин деган тахминда тўхташмоқчи эди. Бироқ яқинда денгиздан олиб чиқилган жисмларни экспертизадан ўтказиш самолёт ракета билан уриб туширилган деган тахминнинг ҳақиқатга яқинлигини кўрсатди. Чунки, текширилган жисмлардан айнан С-200 ракетасига тегишли айрим қисмлар таркиби топилган.

КОФИ АННАН ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

БМТ бош котиби Кофи Аннан АҚШ ҳаво зарбалари оқибатида ҳалок бўлган БМТнинг Қобулдаги 4 нафар ходимининг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этди. Маълумки, Америка ракеталари БМТнинг Қобулдаги ваколатхонасини ҳам четлаб ўтмади. Тўрт нафар ходимнинг барчаси афғон миллатига мансуб бўлиб, миналардан тозалаш бўлимида хизмат қилишган. Кофи Аннан АҚШ ва Британия ҳаво зарбалари пайтида тинч аҳолининг қурбон бўлмаслиги учун барча чоралар кўрилгани ҳақида маълумот берганини таъкидлади. Шунингдек, Кофи Аннан БМТга аъзо баъзи бир давлатлар АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлар доирасини кенгайтириш мурожаатидан ташвишга тушаётганликларини айтди.

«БИН ЛОДИН» УШЛАНДИ

9 октябрь куни Ҳиндистон полицияси худди биринчи рақамли террочига ўхшайдиган бир кишини қамоққа олди. Воқеа Ҳиндистоннинг Жайсамер шаҳрида бўлиб ўтди. Полициячи ўтиб кетаётган автомобилда «бин Лодин»ни кўриб қолади ва дарҳол оператив равишда изқуварликка тушади. «Бин Лодин»ни полиция маҳкамасига олиб келгачгина масала аёнлашади. Бироқ, бин Лодин Ҳиндистонда ушланган ҳақидаги хабар бир зумда бутун шаҳарга тарқалиб бўлган эди. Полиция маҳкамасига йиғилиб келган шаҳарликлар «Бин Лодин» маҳкамадан бемалол чиқиб кетаётганини кўришди. Аниқланишича, қиёфадош «Бин Лодин» Ҳиндистон фуқароси экан. Ҳиндистон матбуотининг маълумот беришича, мамлакатда бин Лодинга бир томчи сувдек ўхшаш тўрт нафар фуқаро яшайди.

УРУШГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Яқин кунларда жаҳондаги қайноқ нуқталар кўлами яна битта давлатлараро урушга кўпайиши мумкин. Маълумки, 1993 йилги урушлар оқибатида Абхазия ўзини мустақил республика сифатида эълон қилган эди. Аммо бу мустақиллик дунё ҳамжамияти томонидан тасдиғини топгани йўқ. Умуман Россия томонидан анчадан буён Грузия махфий хизмат вакиллари чечен жангариларига ёрдам уюштираяпти, деган тахмин олға суриб келинаётганди. Ҳозирда Абхазия ҳудудига кирган чечен ва грузинлардан ташкил топган жангари гуруҳ фаолиятида ҳам Россия томонидан Грузия махфий хизматига ишора қилинмоқда. Россия мудофаа вазири Сергей Иванов бу борада «Москва Грузия ҳукуматининг терроризмга қарши курашдаги реал ҳаракатини кўрмаяпти» деган баёнотни берди.

Бундан сал олдин Абхазия ҳудудида БМТ вакиллари ўтирган вертолёт уриб туширилган эди. Кеча эса Абхазиянинг Гулрипш тумани ҳаво авиациясидан бомбардимон қилинган. Абхазия самолётлар Грузия авиациясига тегишли эканлигини таъкидламоқда. Бироқ Грузия мудофаа вазири бу эътирозни рад этмоқда. Бундан ташқари, Грузия бомбардимонда Россия авиацияси қатнашган деган тахминни ҳам юзага чиқараяпти. Ҳозирча эса бомбардимон қилинган жойларда махсус комиссия ишламоқда. Бу комиссия хулосаси ҳақиқатда бомбардимон ким томондан уюштирилганлигини аниқлаши мумкин. Айни пайтда ҳар икки мамлакат ҳам жанговар ҳозирликда турибди. Грузия мудофаа вазири мамлакат ҳаво чегарасини кесиб ўтган ҳар қандай самолёт уриб туширилиши ҳақида баёнот берди.

ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МУНИЦИПАЛ БИРЖАСИ

2001 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да Афросиёб кўчаси 2-уйининг 2-қаватида жойлашган Бизнес марказда ўтказиладиган кимошди савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Савдога:

Тошкент вилояти Иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент вилоят Қуйичирчиқ тумани «Дўстобод» шаҳри «Зафар» ҳиссадорлик жамиятига қарашли кўчмас мулк.

Бошланғич нархи — 14049000 сўм ва асосий воситалар бошланғич нархи — 524000 сўм.

Ушбу савдода сотилмай қолган кўчмас мулк ва асосий воситалар кейинги ҳафтанинг пайшанба куни бўлиб ўтадиган савдога қўйилади.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Аукционда қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Телефон (факс): 56-61-64.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
Тошкент электротехника алоқа институти

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:
1. Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти
2. Физика
3. Чет тиллар (инглиз тили)
4. Иқтисодиёт назарияси
5. Почта хизмати

ДОЦЕНТЛАР:
1. Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 2
2. Чет тиллар (инглиз тили) — 2
3. Иқтисодиёт назарияси — 1
4. Почта хизмати — 2

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:
1. Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 2
2. Чет тиллар (инглиз тили) — 5
3. Жисмоний тарбия — 3
4. Фалсафа — 2
5. Почта хизмати — 2

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой ичида қабул қилинади.
Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича доцентлар, фан номзодлари ва олий ўқув юртларида педагогик иш стажларига эга шахслар қатнашишлари мумкин.

Институт манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: 35-11-50

«Ўзавтодарётранс» Республика агентлиги томонидан Хўжаобод туман Машина-трактор парки давлат акциядорлик жамиятига 1999 йил 3 майда берилган қуйидаги

№	Лицензия	Лицензия варақаси
1	АТ 0004430	0189616
2	АТ 0004430	0189623
3	АТ 0004430	0189631

лицензия варақалари йўқолганлиги муносабати билан БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ҒАЛЛАОРОЛ-ШАРОБ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Навбатдаги акциядорлар йиғилиши 2001 йил 16 ноябрь соат 10.00 да Ғаллаорол тумани, Б. Худойназаров кўчаси, 47-уйда ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:
1. 2000 йил якуни, 2001 йил 9 ойлик молия-хўжалик фаолиятининг якунлари ҳақида.
2. 2000 йил аудиторини тасдиқлаш.
3. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
4. Дивидендлар тақсимланиши.
5. Ҳар хил масалалар.

«Ғаллаорол-шароб» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши

ЭЗГУЛИК ДАРАХТИ

Инсон умри йиллар билан эмас, ҳаётда қолдирган ўчмас излари, эзгу ишлари билан ўлчанар экан. Орамизда ўзлари жисман бўлмаса-да, руҳан тирик инсонлар камми?! Уларнинг табаррук номлари ҳар вақт такрор-батакрор тилга олинаётгани сир эмас. Негаки уларни ҳар лаҳзада ёдга солиб турувчи эзгулик дарахтлари ҳамон кўкка бўй чўзаётир.

Фарғона заминида из қолдирган Алижон ака Пайғамов ҳам ана шундай эъзозга – хотирасини қадрлашга арзийдиган сиймолардан, эзгулик дарахтларидан биридир.

Жулва қишлоғидаги оддий мактабда таълим олиб, сўнг меҳнат фаолиятини ўша даргоҳда муаллимликдан бошлаган Алижон акани кўп ўтмай директорликка тайинлашди.

Олий маълумотли педагог фаолиятини давом эттираверса бўларди. Йўқ, илмга чанқоқ йигит қишлоқ хўжалик институтида ҳам таҳсил олди. Сўнг Қўқон туман ёшлар ташкилоти раҳбари этиб тайинланди. «Найманча» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси вазифасида ишлаган кезлари қишлоқ хўжалиги соҳасида анча тажриба орттиргани қўл келди. Қўқон туман раҳбари бўлганида халқ хўжалигини ўзига хос маҳорат билан бошқарди. 1965 йили Ўзбекистон тумани раҳбари этиб тайинланган Алижон Пайғамов шу лавозимида роппа-роса 21 йил фаол меҳнат қилди.

«Таржимаи ҳоли» уч-тўрт қоғозга жо бўлса-да, унинг умри мобайнида қилган ишларини санаб саноғига ета олмайсиз. Ўз даврида Худойберди Тўхтабоев, Жамол Шароповлар каби таниқли адиблар шу заҳматкаш сиймо фаолияти ҳақида қатор очерк, мақолалар ёритишганидан кўпчилик бохабар.

Алижон ака аввало одамлар қалбига йўл топа билган. Меҳнат интизоми – қатъий шиори бўлган. Шул боис, туманда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўзига яраша ривожланишга эришилган.

Ўша йилларда паррандачилик фабрикаси, қатор саноат корхоналари, мактаб, боғча ва бошқа иншоотлар бунёд этилган эди. Айниқса, экин майдонларини етарли даражада сув билан таъминлаш мақсадида бунёд этилган 4 та насосдан учтаси ҳозиргача ишлаб турибди. Сўх дарёси суви қуриб қолгудек бўлса, Фарғона канали бўйидаги Пахтақайнар, Қушқўноқ ва Ғафур Ғулом номидаги қишлоқлардаги улкан сув насослари ишга тушириларди. Натижада минглаб гектар майдонлардаги пахта ва бошқа экинлар обиҳаётдан баҳраманд бўлаверади.

Оби-ҳаёт оққан жойда ҳаёт ўзгача бўлади. Бир пайтлар гиёҳ ҳам унмаган заминда Алижон Пайғамовнинг ташаббуси билан бир нечта қишлоқлар («Бўстон», «Гулистон», «Ўзбекистон») пайдо бўлган. Ўрмондек гавжум дарахтзорлар ичра бу жойлар жаннатни эслатади. Бу кун дастурхонларга файз киритаётган сархил мевалар Алижон аканинг замондошлари бўлган уста деҳқону боғбонлар қўли билан ўтқазилган.

Собиқ шўро тузумининг сўнгги йиллари қанчалик оғир кечгани ҳали эсдан чиққани йўқ. Ҳаёт сўқмоқларида тобланган инсон энг оғир дамларда ҳам қуращдан чарчамади. Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин у 1992 йилда тумандаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги бошқарувига раис этиб сайланди. Бу даргача анча ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликни ҳар томонлама оёққа турғазиш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари ўз самарасини кўрсатди. Қисқа фурсатда 2000 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган совутгич, бир миллионта шартли банка консерва тайёрлайдиган цех қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сўнгги йилларда бунёд этилган 16 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда.

Бир гал водий томон йўлимиз тушганида бу табаррук инсон ҳақида оддий одамлардан эшитиб қолдик. Раҳматли Алижон ака ҳақида турли ёшдаги кишилар эҳтиром билан сўзладилар. «Ҳаёт бўлганларида бу йил етмиш беш ёшга тўлардилар, – деб хотирлайди у кишининг рафиқаси Ўктамхон ая. – «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими», деган юксак унвон билан мукофотланди. Фарзандларим ҳам оталарининг табаррук изларидан кетишди. Юлдузхон шифокор бўлса, Муяссарим муаллимликни танлади. Азизжон эса ҳарбий соҳада элимизга хизмат қилмоқда».

Алижон Пайғамовнинг кўксидаги нишонлардан энг азизи юртдошлари қалбида мангу машъалдек порлаб турган хотираси бўлса, не ажаб...

■ **Тўлқин УСМОНОВ, Юнус ЗИЁДОВ**

ҚАДРИЯТ

INTER-SPORT

«АШЕС» ТУРНИРИ ҚОЛДИРИЛДИ

Буюк Британия ҳамда Австралия ўртасида ўтказиладиган «Ашес» турнири Афғонистонда террорчиларга қарши ҳарбий ҳужум бошланганлиги муносабати билан қолдирилди. Бу турнир Австралия Рагбий лигаси

ташаббуси билан чоршанба куни ўтказилаётган эди. Ҳатто лига томонидан бу турнир учун 24 австралиялик ўйинчи танлаб ҳам олинганди. Кўпгина англиялик рагбий ўйинчилари мусобақа хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қолдирилганлиги учун бу қарорни қўллаб-қувватладилар. Англия рагбий терма жамоаси сардори Брад Фитлер ҳамда Даррин Локерлар ҳам турнир қолдирилиши тарафдори эканлигини билдирган.

Австралия Рагбий лигаси раҳбари Колин Лав бу масала бўйича журналистларга интервью бериб, бутун дунё диққати Афғонистонда кечаётган ҳарбий ҳаракатларга қаратилган бир пайтда бу турнирнинг ўтказилиши ноқулай ва шу сабаб кечиктирилганлигини айтган. Турнир кечиктирилганлигини қўллаб-қувватловчилар билан биргаликда бу қарорга қаршилар ҳам бор. Бу қаршиликлар бошида Рагбий футбол лигаси раҳбари Грег Мкколлум турибди. У ОАВда чиқиш қилиб, австралияликларни бу мусобақа хавфсиз ўтишига ишонтирмоқда.

Нима бўлганда ҳам мусобақа қолдирилди.

АЛЕСИ ВОЗ КЕЧДИ

Маълумки, келаётган шанба куни Япониянинг Сузука шаҳрида 201-бор «Гран При» автопойга мусобақаси ўтказилиши кутилмоқда. Бу мусобақага дунёнинг машҳур автопойга жамоалари



қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу билан биргаликда жамоа раҳбарлари қайси автопойгачилар қатнашишини танлаш билан овора.

37 ёшли франциялик фахрий автопойгачи Жеан Алеси кутилаётган бу мусобақада «Fortula One» автомобилидан фойдаланмаслиги ва шу ном билан аталувчи гуруҳ номидан майдонга тушмаслигини маълум қилди. Иорданиялик маъмурлардан бири Эддий Жордан Алесининг гуруҳдаги ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб, бу соҳадаги катта тажриба ва илми гуруҳ пойгачиларига ёрдам беражагини айтди.

Ҳозирча Жеан Алеси қайси гуруҳ номидан мусобақада қатнашиши номаълум.

«БЕШИНЧИ» САҲИФА

«ҚАНДИНГНИ УР, БОЗОРБОЙ!»

Бозорбойнинг хотини мудом эридан нолигани-нолиган: «Бири икки бўлмади бу ношуднинг! Эркак ҳам шундай лапашанг бўладими, қачон косамиз оқаради?»

Бу таъналардан тўйиб турганида телевизордаги сочи қирқилган сухандон вилоятда қовун сайли ўтказилиши, ғолибларни катта-катта мукофотлар кутишини айтса бўладими. Бозорбойнинг юзига қон югурди: «Йўлини топса бўлади, лекин раисга шипшитиб қўйиш керак, вассалом!»

Ҳар хил тадбирлардан юрак олдириб қўйган бўлса ҳам Иззат раис Бозорбойнинг режасини маъқуллади ва қовун тушириб қўйсанг, ўзингдан кўр, бола, деб ҳам қўйди...

Бозорбой уйига кечга яқин телевизор кўтариб келганда аёлининг кўзи чиқаёзди:

— Ўғирладингизми? Ҳа, энди тамом, қамалиб кетасизку?!

Бозорбой хотинининг гапига сира парво қилмай, телевизорни равоққа қўйди-да, чой берасанми деган маънода қаради. Хотини ҳамон жойида қотиб турарди.

— Ҳей, серраймай ҳар нарса бўл, чойни аччиқроқ дамла! Ҳализамон раис ҳам келади.

Бозорбой уйдаги ҳар хил латта-путталар қолдиғини териб, бурчакка отди. Тахмондан тўйидан буён ишлатилмаган атлас кўрпачаларни олиб ёзди. Томга энди чиқаман деб турганди, ташқарида «Газик» келиб тўхтади. Бир зумда уйи файзга тўлди. Раис телевизорни созлади, ҳайдовчи хонага шиша кўтариб кирди. Нолишхон ҳамон бу ҳодисотни тушунмаганича гаранг: «Эрим бизнесчи бўлдимикин?»

— Раис бобо, энди бошласак бўлади, — деди ҳайдовчи.

Раис телевизор тугмачасини босганида Нолишхон эсидан оғаёзди. Чунки экранда эри! У бир неча халтачалардаги аллambалоларни кимларгадир маъқуллар, ён томонда териб қўйилган турли рангдаги қовунларни кесиб, башанг кийинганларга бир тилимдан тутар...

— Баракалла, Бозорбой! Обрўни янада орттиринг, — Иззат раис уй эгасининг елкасига қўл ташлаб, сўзида давом этди, — калласи ишлайдиган эрингиз борлигини пайқамаган эканман, келин. Қандингни ур, бола!

Нолишхон эрига бозор борган экансиз, ўша қовунлардан иккитасини шу ўлгурнинг ўрнига кўтариб келсангиз, болалар... демоқчи бўлганини раис дарров пайқади-ю, аммо сир-сирлигича қолишини маъқул кўрди. Лекин иккита қовун олиб келмаганига жуда уялиб кетди. Ахир, раис деган номи қаерда қолди. Эҳ, нима қилсин, гулзоргача пахта эктиришган бўлса. Оғиз куйса-куйсин, обрў кетмасин деб Бозорбой сайилда қатнашиш учун нечта бозорни айланмади? Расталар оралаб қовун уруғларини йиғиш осонми? Туни билан халтачалар тиккани-чи? Кам бўлса гўрга эди, салкам олтмишта-я! Ёзувларнинг икки тилда битилгани-чи? Буни содда аёлга айтиб бўладими? Йўқ! Рангли телевизорли бўлиб қолганингга шукр қилмайсанми? Сайилдаги «қовуншунос» ҳайъат аъзоларига раҳмат десанг-чи.

Чинни пиёланинг жарангидан хаёли паришонланган раис келгуси йилда (агар ишлаб турса) албатта қовун-тарвуз экиш учун ер ажратишни, уни бўлажак тадбиркор Бозорбой ихтиёрига беришини кўнглига тугиб қўйди...

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

РИМ. ЖАҲОН ДУРДОНАЛАРИДАН

«Мақташни ўрганмасдан туриб уйланмангиз. Турмушда ошкоралик эмас, муросалик устун».

Дороти ДИПС

КУЛГУ – УМР ЗИЙНАТИ

Маст эркак учинчи қаватдан гурсиллаб йиқилди.

— Бу ерда нима бўляпти? — етиб келган полициячи сўради.

— Билмадим, — уёқ-буёғини қоқиб, тозалаб жавоб берди «мард». — Мен ҳам эндигина тушдим...

✧✧✧

— Зўрлашаяпти! Зўрлашаяпти! — кексагина аёл бир четдаги скамейкада ўтирганича даҳшатли овозда қичқирарди.

— Ким? Ким зўрлаяпти? — ҳайрон бўлиб уёқ-буёққа аланглади етиб келган милиционер.

— Нима, орзу қилиш мумкин эмасми?!

Ўзбекистон Республикаси Давлат — тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган

«Юбилей» қисқа муддатли, ютуқли омонати бўйича 2001 йил 6 октябрь куни Тошкент шаҳар Чилонзор туманида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

№	Ютуқ миқдори	Халқ банки бўлими	Ҳисоб варақаси рақами
1.	500000 сўм	*Самарқанд вилояти, Боғишамол тумани 719/0114-сонли Халқ банки бўлими*	ЮБ-4
2.	200000 сўм	*Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 3650-сонли Халқ банки амалиёт бўлими*	ЮБ-18
3.	200000 сўм	*Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, 4891/027-сонли Халқ банки бўлими*	ЮБ-6
4.	50000 сўм	*Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани 3628/0346-сонли Халқ банки бўлими*	ЮБ-3
5.	50000 сўм	*Бухоро вилояти Шофирикон тумани 3589-сонли Халқ банки амалиёт бўлими*	ЮБ-6

Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари– ютуқлар тиражи комиссияси раиси ЯКУБАЕВ Т.

Тираж комиссияси масъул котиби — Халқ банки бошқаруви жамғарма операциялари бошқармаси бошлиғи ўринбосари САИДОВ М.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш: Баҳоси сўм обуна сони; Баҳоси сўм

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

«ТРАНСФОРМАТОР» ОТАЖ –

Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ мамлакатлари бозорларида кучланиши 10, 35, 110 кВ ва қуввати 25-40000 кВА русумли ҚУВВАТ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ ВА ТРАНСФОРМАТОР НИМСТАНЦИЯЛАРИ КОМПЛЕКТЛАРИ

етакчи ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисидир.

Шунингдек, қуйидагиларни ишлаб чиқаради:

- бошқариш тармоқлари учун қуруқ паст кучланишли, уч фазали ва кўп мақсадли бир фазали трансформаторлар;
- КТП-10 кВ, КТП-35, 110 кВ учун юқори кучланишли ва паст кучланишли аппаратлар ;
- юкланиш узгичлари – ВНРУ-10/400; РВЗ-10/400;
- ажратгичлар: РЛНД-1-10/400; РДЗ-1(2)35/1000;
- сақлагич-узгичлар блоки – БПВ-(2) (4);
- ток трансформаторлари – ТФЗМ-110 Б-У1;
- кучланиш трансформаторлари – НКФ-110-У1; ЗНОМ-35-У1;
- заминлагичлар – ЗОН-110М(Б)-ИУХЛ1;
- тортмалар – ПР-03;05;06;08;09;10; РЕ-19-4/43; РДЗ-1(2)
- халқ истеъмоли моллари (50 дан ортиқ турда).

Буюртмачининг талабига кўра ноандозавий бажариладиган трансформаторлар ва нимстанциялар ҳам тайёрлаб берилиши мумкин.

Қуввати 25000 кВАгача ва кучланиши 10, 35, 110кВ русумли илгари ишлатилган трансформаторлар ва трансформатор нимстанциялар комплектларини ревизия этиш, таъмирлаш, синовдан ўтказиш, сотиш бўйича сервис хизматларини кўрсатади, синовдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар ва завод сифат сертификатларини ҳам беради.

Корхонамиз маҳсулотлари сертификатга эга, давлат халқаро стандартларига мос, фойдаланишда ишончли ва хизмат кўрсатишда жўн.

Корхона интеллектуал мулкка мутлақ ҳуқуқларига эга. Барча ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан ҳимояланган. Ўзбекистон Республикасида ва МДҲ мамлакатларида ҳамкорликда ишлаш бўйича ҳар қандай таклифларингизни кўриб чиқамиз.

Манзилгоҳ:
Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 30.

Факс: (371-71) 3-16-86.
Алоқа телефонлари: (371-71) 3-11-39, 9-73-45, 9-75-24, 9-73-65, 9-72-42 (маркетинг бўлими).

Сизларни ҳамкорликка таклиф этамиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

133-38-55
133-47-80

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчасидаги 467-сонли дала ҳовли уй манзилгоҳи бўйича қайд қилинган «Автойўл-Ихтиро» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефон: 21-17-01

Тошкент вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси жамоаси Рим ва Равил Гиниятуллинларга падари бузрукворлари

АБДУЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоаси Рим ва Равил Гиниятуллинларга падари бузрукворлари

АБДУЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq – 133-44-55
Iqtisodiyot – 133-76-04
Ma'naviyat – 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar – 133-12-56
Axborot – 136-55-16
Kotibiyat – 133-72-83
Reklama va e'lonlar – 133-38-55, 133-47-80
Faks – 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda – 25-16-16;
Buxoroda – 222-10-92;
Gulistonda – 25-03-80;
Jizzaxda – 5-49-85;
Navoiyda – 3-39-20;
Namanganda – 6-43-43;
Nukusda – 222-70-12;
Samarqandda – 35-20-54;
Toshkentda – 136-53-16;
Urganchda – 226-51-35;
Farg'onada – 26-43-62;
Qarshida – 4-61-35;
Termizda – 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A–2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 2902

Topshirish vaqti – 21.00.
Topshirildi – 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA